



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2018 йил 17 апрель, № 75 (7033)

Сешанба

Сайтимиэга Утиш учун QR-коднин телефониэгиэ орқали сканер қилиэи.



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 1 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Ўрмон тўғрисида»ги 770-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 122-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушултирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киридаи.

## Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 16 апрель  
№ ЎРҚ—475

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўрмон тўғрисида (янги тахрири)

1-Боб. Умумий қоидалар

**1-модда.** Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, тақририй кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг махсуддорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда.** Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган, ўрмонлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда.** Ўрмонларнинг вазибалари

Ўрмонлар асосан экологик (тупроқни муҳофаза қилиш, сувни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда бошқа табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, химоя, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреация) ва ижтимоий-иқтисодий вазибаларни бажаради.

**4-модда.** Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Ўрмон — ўрмон фонди ерларидаги ўзаро таъсир кўрсатувчи ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган, экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга дарахтлар, буталар ва бошқа табиий объектлар (ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, атмосфера ҳавосини) мажмуи;

Ўрмонларни кўпайтириш — ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларида дарахтлар ва буталарни экиш ҳамда етиштириш;

Ўрмонларни муҳофаза қилиш — ўрмонларга салбий таъсирларнинг олдини олишга қаратилган фаолият;

Ўрмонларни тақририй кўпайтириш — дарахт ва буталарнинг табиий муҳитда ўсиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўрмон фонди ерларида ўрмон дарахтлари уруғлари ва кўчатларини плантация усулида экиш;

Ўрмондан фойдаланувчилар — ўрмондан фойдаланувчи юридик ва jisмоний шахслар;

Ўрмонларни қайта тиклаш — кесилган, ёнгинлар, ўрмон зараркунандалари, касалликлар ҳамда бошқа салбий таъсирлар оқибатида шикаст етказилган дарахт ва буталар ўрнида иқлим шароитларига мос келадиган дарахт ва буталар турларини экиш.

(Давоми 2 ва 3-бетларда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 5 000 000 (беш миллион) сўм миқдорда бир йўла пул мукофоти белгилансин.

2. Маъмур Фармонини бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари

ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиётда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги,

Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси, бошқа нодавлат нотижор ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи химоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсинлар.

5. Маъмур Фармонининг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 16 апрель

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

Халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни химоя қилишда, бошқинчи ва ёвуз кўчаларга қарши машаққатли курашларга бўлишмас ирода ва жасорат намунасини амалда намойиш этиб, бугунги тинч ва осейишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас

хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш — бизга тинчлик, омонлик керак, деб янғидиган бағрикенг халқимизга хос азалий қадриятдир.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши

инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қиргин бўлганини ҳеч қим қилмайди. Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон едидан қармайди.

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўрмон тўғрисида (янги тахрири)

1-Боб. Умумий қоидалар

**1-модда.** Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, тақририй кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг махсуддорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда.** Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган, ўрмонлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда.** Ўрмонларнинг вазибалари

Ўрмонлар асосан экологик (тупроқни муҳофаза қилиш, сувни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда бошқа табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, химоя, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреация) ва ижтимоий-иқтисодий вазибаларни бажаради.

**4-модда.** Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Ўрмон — ўрмон фонди ерларидаги ўзаро таъсир кўрсатувчи ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган, экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга дарахтлар, буталар ва бошқа табиий объектлар (ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, атмосфера ҳавосини) мажмуи;

Ўрмонларни кўпайтириш — ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларида дарахтлар ва буталарни экиш ҳамда етиштириш;

Ўрмонларни муҳофаза қилиш — ўрмонларга салбий таъсирларнинг олдини олишга қаратилган фаолият;

Ўрмонларни тақририй кўпайтириш — дарахт ва буталарнинг табиий муҳитда ўсиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўрмон фонди ерларида ўрмон дарахтлари уруғлари ва кўчатларини плантация усулида экиш;

Ўрмондан фойдаланувчилар — ўрмондан фойдаланувчи юридик ва jisмоний шахслар;

Ўрмонларни қайта тиклаш — кесилган, ёнгинлар, ўрмон зараркунандалари, касалликлар ҳамда бошқа салбий таъсирлар оқибатида шикаст етказилган дарахт ва буталар ўрнида иқлим шароитларига мос келадиган дарахт ва буталар турларини экиш.

(Давоми 2 ва 3-бетларда).

## Эксперт фикри

### «Ўзбекистон Марказий Осиёни ўзгартирмоқда»

Москвада Марказий Осиё ва Россия ҳамкорлигига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида таниқли иқтисодчи, Россия Фанлар академияси ходими Елена Кузьмина ана шундай фикр билдирди.

У Марказий Осиёдаги замонавий сиёсий ва иқтисодий воқеалик ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон минтақادا мураккаб янғича ўрин тутатганини эътироф этиди.

Россиялик эксперт ўз нутқида кейинги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги асосий "ньос-мэйкер"га айланганини таъкидлади. Минтақада бугун кузатилаётган диверли барча жараёнда Ўзбекистоннинг

ҳиссаси мавжуд. Республикадаги ички ва ташқи ислохотлар ҳозирги кунда қизгин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Мамлакат ички сиёсати ҳамда иқтисодиётидаги ўзгаришлар унинг ташқи сиёсатини самарали тарзда ҳаётга татбиқ қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратаётди.

— Минтақанинг қўллаб-мамлалатлари айнан Ўзбекистонга ўз эътиборини қаратаётгани бежиз эмас, — дейди Е. Кузьмина. —

Расмий Тошкент Марказий Осиёдаги сиёсатини аниқ белгилаб олганки, унинг устувор йўналишлари янги қўшничилик алоқаларини ривожлантириш ва баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишдир.

Ушбу йўналишда мамлакатимиз томонидан амалга оширилган чора-тадбирларга юксак баҳо берган ҳолда, мутахассис Тожикистон ва



Қирғизистон билан муносабатларда эришилган ютуқлар тарихий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиди.

Анвар МИРЗАЕВ «Халқ сўзи» ташрифлади.

### СИРДАРЁ: САДОҚАТ, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ТАШАББУС НАМУНАСИ

#### Ибрat

Чинакам гамхўрлик, жонкуярлик ҳислари билан йўғрилиб, юракнинг тубидан чиққан самимий сўзлар қалблардан мустаҳкам ўрин олиб, ҳар қандай кишини ҳам тўқинлантириб юборишга қодир бўлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида оддий одамларнинг ҳаёти, уларнинг дарду ташвишлари хусусида очиқ-ойдин, дилдан, ҳаётини мисоллар билан сўзлади. Тўғри гапирадиган, гийбатни билмаган, бир оила бўлиб яшаган сирдарёликлар туфайли вилоятда ижобий ўзгаришлар мавжудлигини таъкидлади. Элға, ерга, Ватанга, фарзандларга муҳаббат Сирдарё ибрати, Сирдарё намунаси деган гоёларга ҳамоҳанглик касб этиди. Кечадиган бугун, бугунгидан эртасига кучли бўлиш истиаги одамлар қалбида ҳаётга нисбатан юксак ишонч уйғотди.



(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## Эътироф

### ЮРТИМИЗДАГИ ЖАДАЛ ИСЛОХОТЛАР ЖАҲОН МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Дунё оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз ҳаёти билан боғлиқ ахборот ва янгиликларни беришда давом этмоқда. Жумладан, ўтган ҳафтада АҚШдаги машҳур "The New York Times" газетаси "Ўзбекистонда баҳорга ишора" ("A Hint of Spring in Uzbekistan") сарлавҳали тахририят бош мақоласини эълон қилди.

### The New York Times

Нашрнинг ёзишича, "Собиқ иттифоқ минтақасининг аксарият қисмида ва жаҳоннинг бошқа ҳудудларида демократия орта чекинаётган бир вақтда Президент Шавкат Мирзиёевнинг саяё-ҳаракатлари алоҳида эътибор ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир". Мақолада давом эттирилишича, янги давлат раҳбари "қутилмаганда бутунлай бошқа ва ҳозирча янги йўлни таллади".

"У бир қатор сиёсий маҳбусларни, хусусан, журналистларни озод этиди, 18 минг кишини хавфсизлик хизматининг "қора рўйхати"дан ўчиртирди, пахта майдонларида мажбурий меҳнатдан фойдаланишни чеклади, ОАВ устидан ўрнатилган назоратни бир оз юмшатди, Ўзбекистоннинг қўшнилари билан дўстона муносабатлар ўрнатиш устида ишламоқда", деё ёзди "The New York Times".

"Freedom House" ташкилоти ўзининг янги "Транзитдаги халқлар" ҳисоботида, бошқа ташкилотлар қатори ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўпчилигини қайд этгани ҳолда, "Ўзбекистоннинг ўз ўмишидан сезиларли илғарилаб кетгани" ва унда "баҳорнинг илк, камтарона гўнчалари" кўз очаётганига эътибор қаратган. Бундан ташқари, "бутун жаҳон бўйлаб қонун устуворлиги ва мустақил тузилмаларга ҳурматсизлик авж олаётган бир вақтда жаноб Мирзиёевнинг ушбу тенденцияни ўзгартариш йўлидаги камтарона саяё-ҳаракатлари ҳам аҳамиятлидир", деё ёзди газета.

"Жаноб Мирзиёев ўзгаришларни бошлаб берди ва энди АҚШ ҳамда Европа иттифоқи Ўзбекистон билан боғлиқ ҳар қандай муносабатларни, у хоҳ инвестиция, хоҳ тараққиёт эртасига бўлсин, мамлакатда инсон ҳуқуқлари аҳолининг янада яхшилаши билан боғлаши ниҳоятда муҳимдир".





